



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 25 » avgust

№ 423

Toshkent sh.

Давлат театрлари ва концерт-томуша муассасалари фаолиятини баҳолаш, тоифалари (гурухлари)ни белгилаш ҳамда рағбатлантириш тартиби жорий этилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат театрлари ва концерт-томуша муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 18 апрелдаги 329-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Мамлакатимизда давлат театрлари ва концерт-томуша муассасалари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва ўзаро ижодий рақобат мұхитини яратишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирда театр ва концерт-томуша соҳасини янада ривожлантириш, ушбу йўналишдаги ижодий муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг фаолиятини баҳолаш рейтинг тизими ва рағбатлантириш тартибини жорий этиш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 2 февралдаги ПҚ-112-сон қарори ижроси юзасидан, шунингдек, театрлар ва концерт-томуша муассасалари фаолиятини баҳолаш рейтинг тизими ҳамда уларни рағбатлантириш тартибини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат театрлари ва концерт-томуша муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 18 апрелдаги 329-сон қарорига иловага мувофиқ қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилсин:

давлат театрлари ва концерт-томуша муассасалари фаолияти самарадорлигини 100 баллик рейтинг тизими асосида баҳолаш мезонларини белгилаш;

рейтинг натижаларига қараб давлат театрлари ва концерт-томуша муассасаларига тоифалар (гурухлар) бериш ва шу асосда ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини қўллаш тартиби;

давлат театрлари ва концерт-томуша муассасаларини уларнинг фаолияти самарадорлиги натижалари бўйича рағбатлантириш ёки уларнинг фаолиятини ривожлантириш бўйича зарур чоралар кўриш тартиби.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси маданият вазири О.А. Назарбеков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “25” августдаги 423-сон қарорига
илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат театрлари ва концерт-томуша
муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида” 2019 йил 18 апрелдаги 329-сон қарорига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг учинчи хатбошисидаги “Давлат театрлари тоифаларини
белгилаш” сўзлари “Давлат театрлари ва концерт-томуша муассасалари
фаолиятини баҳолаш, тоифалари (гурухлари)ни белгилаш ҳамда
рағбатлантириш” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Давлат театрлари ва концерт-томуша муассасалари фаолиятини
баҳолаш, тоифалари (гурухлари)ни белгилаш ҳамда рағбатлантириш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат театрлари (кейинги ўринларда – театрлар)
ва концерт-томуша муассасалари фаолиятини баҳолаш, тоифалари
(гурухлари)ни белгилаш ҳамда уларни рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Театрлар ва концерт-томуша муассасалари фаолиятининг
самарадорлигини баҳолаш натижасига кўра уларнинг рейтинги
шакллантирилади ҳамда театрлар тоифалари ва концерт-томуша муассасалари
гурухлари белгиланади.

3. Ушбу Низом талаблари тоифадан ташқари театрларга нисбатан татбик
этилмайди.

Тоифадан ташқари бўлган театрларга белгиланган тартибда “Миллий”
ва “Академик” мақомлари берилган давлат театрлари киради.

**2-боб. Театрлар ва концерт-томуша муассасалари фаолиятининг
самарадорлигини баҳолаш мезонлари**

4. Куйидагилар театрлар ва концерт-томуша муассасалари фаолиятининг
самарадорлигини баҳолаш мезонлари ҳисобланади:

а) театрлар бўйича:

йил давомида саҳналаштирилган янги спектакллар сони;

театрнинг жорий репертуаридаги спектакллари сони;

йил давомида намойиш этилган спектакллар сони;

халқaro ва республика миқёсидаги гастроллар сони;

томушабинлар сони (белгиланган режадан келиб чиққан ҳолда, фоиз
ҳисобида тўлдириш коэффициенти, ўриндиқлар сонига нисбатан ўртача йиллик);

ўз даромадларининг (хомийлик хайрияларидан ташқари) театр умумий йиллик харажатларидаги улуши;

ўз биноси ва техника воситаларининг мавжудлиги;

Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтининг юритилиши ҳолати;

б) концерт-томуша муассасалари бўйича:

йил давомида иштирок этган маданий тадбирлари сони;

йил давомида бевосита ташкил этган концертлари сони;

гастроллар (маҳаллий, республика ва хорижий) сони;

ҳалқаро ва республика миқёсидаги гастроллар сони;

томушабинлар сони (белгиланган режадан келиб чиқсан ҳолда, фоиз ҳисобида тўлдириш коэффициенти, ўриндиқлар сонига нисбатан ўртача йиллик);

ташкилотнинг бюджетдан ташқари тушумлари миқдори (хомийлик хайрияларидан ташқари);

ўз биноси ва техника воситаларининг мавжудлиги;

Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтининг юритилиши ҳолати.

**3-боб. Театрлар ва концерт-томуша муассасалари тоифалари
(гурухлари)ни белгилаш тартиби**

5. Театр ва концерт-томуша муассасалари фаолиятининг самарадорлиги ушбу Низомга иловага мувофиқ рейтинг тизими асосида баҳоланади ҳамда уларнинг қуидаги тоифа (гурух)лари белгиланади:

а) театрлар бўйича:

1-тоифа театр – 86 балл ва ундан юқори;

2-тоифа театр – 75 баллдан 85 баллгacha;

3-тоифа театр – 55 баллдан 74 баллгacha;

б) концерт-томуша муассасалари бўйича:

1-гуруҳ концерт-томуша муассасалари – 86 балл ва ундан юқори;

2-гуруҳ концерт-томуша муассасалари – 75 баллдан 85 баллгacha;

3-гуруҳ концерт-томуша муассасалари – 55 баллдан 74 баллгacha.

6. Театр ва концерт-томуша муассасаларининг тоифаси (гуруҳ)ни белгилаш масаласи Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги (кейинги ўринларда – Маданият вазирлиги) томонидан тасдиқланадиган 5–7 нафар аъзолардан иборат Ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқилади.

Ишчи гуруҳ таркибига соҳа мутахассислари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Йқтисодиёт ва молия вазирлигининг тегишли мутахассиси киритилади.

7. Театр ва концерт-томуша муассасалари ҳар йили 1 ноябрга қадар сўнгги бир йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни Ишчи гурухга ёзма (электрон) шаклда тақдим этади.

Бунда тақдим этилган маълумотларнинг асослилиги ва тўғрилиги учун театр ва концерт-томуша муассасасининг биринчи раҳбари шахсан жавобгар хисобланади.

8. Ишчи гурух томонидан театр ва концерт-томуша муассасалари тақдим этган маълумотлар ҳар йили **15 ноябрга қадар** ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ театр ва концерт-томуша муассасалари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари асосида баҳоланиб, тегишли хулоса қабул қилинади.

Ишчи гурух томонидан баҳолаш жараёнида театр ва концерт-томуша муассасаларидан уларнинг фаолиятига оид бошқа зарур маълумотлар ҳам сўраб олиниши мумкин.

9. Театрларнинг тоифалари ва концерт-томуша муассасаларининг гуруҳлари Ишчи гурухнинг тегишли хулосасига кўра Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Бунда театрларнинг тоифалари ва концерт-томуша муассасаларининг гуруҳларини белгилаш ҳамда бир тоифа ёки гуруҳдан бошқа тоифа ёхуд гуруҳга ўтказиш ҳар икки йил якуни бўйича Маданият вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

10. Белгиланган тоифа (гуруҳ)лар театрлар ва концерт-томуша муассасаларининг штатлар жадвалини шакллантириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантиришнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 19 июндаги 458-сон қарорига мувофиқ базавий лавозим маошларининг тегишли гуруҳини қўллаш учун асос ҳисобланади.

“Томуша” болалар мусиқий театр-студияси” ва “Дийдор” ёшлар экспериментал театр-студияси” давлат муассасаларининг базавий лавозим маошлари 2-гуруҳ асосида қўлланилади.

4-боб. Театрлар ва концерт-томуша муассасалари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича рағбатлантириш

11. Маданият вазирлиги Ишчи гурух хулосасига асосан театр ва концерт-томуша муассасалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижаларига кўра ушбу муассасаларни рағбатлантиради ёки уларнинг фаолиятини ривожлантириш бўйича зарур чоралар кўради.

Бунда рейтинг натижалари 55 баллдан кам бўлган театр ва концерт-томуша муассасалари фаолияти Маданият вазирлиги томонидан танқидий ўрганиб чиқилади ҳамда уларнинг фаолиятини ривожлантириш бўйича тегишли чоралар кўрилади.

12. Ишчи гурух хулосаси асосида тузилган баённома ҳамда барча ўрганилган ҳужжатлар (маълумотлар) тегишли театр ва концерт-томуша фаолияти бўйича Маданият вазирлигининг тегишли масъул таркибий бўлинмалари томонидан умумлаштирилади.

13. Маданият вазирлиги театр ва концерт-томуша йўналиши бўйича биттадан энг юқори балл тўплаган театр ва концерт-томуша муассасасини **ҳар йили январь ойининг биринчи ўн кунлигига** ўтказиладиган маданият соҳасининг йил якунларига бағишлиланган тадбири доирасида “**Намунали театр**” ва “**Намунали концерт-томуша муассасаси**” номинациялари бўйича рағбатлантиради.

Бунда рағбатлантириш (тақдирлаш) билан боғлик барча харажатлар Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

5-боб. Якунловчи қоида

14. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Театрлар ва концерт-томуша муассасалари фаолиятини баҳолаш рейтинг тизимини ва уларни рағбатлантириш ҳамда тоифаларини белгилаш тартиби түғрисидаги низомга илова

Давлат театрлари тоифасини ва концерт-томуша муассасалари гурухларини белгилаш мезонлари ва уларни баҳолаш РЕЙТИНГИ

T/p	Мезонлар	Кўрсаткичлар	Баллар	
I. Давлат театрлари бўйича				
Жами балл:				
1.	Йил давомида саҳналаштирилган янги спектакллар сони	4 та ва ундан ортиқ	20	
		3 та	10	
		2 та	5	
2.	Театрнинг жорий репертуаридаги спектакллари сони	25 та ва ундан ортиқ	20	
		16-24 та	10	
		10-15 та	5	
3.	Йил давомида намойиш этилган спектакллар сони	240 та ва ундан ортиқ	10	
		180-239 та	5	
		камида 100 та	3	
4.	Халқаро ва республика миқёсидаги гастроллар сони	республикада 6 та ва ундан ортиқ, хорижий давлатларда 2 та ва ундан ортиқ гастрол	10	
		республикада 3-5 та, хорижий давлатларда 1 та гастрол	5	
		республикада камида 2 та гастрол	3	
5.	Томушабинлар сони (белгиланган режисдан келиб чиққан ҳолда, фоиз ҳисобида тўлдириши коэффициенти, ўриндиқлар сонига нисбатан ўртacha йиллик)	70 нафар ва ундан ортиқ	10	
		60-69 нафар	5	
		камида 50 нафар	3	
6.	Ўз даромадларининг (ҳомийлик хайрияларидан ташқари) муассасанинг умумий йиллик харажатларидаги улуши	15% ва ундан ортиқ	10	
		10%	5	
		камида 5%	3	
7.	Ўз биноси ва техника воситаларининг мавжудлиги		10	
8.	Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтининг юритилиши ҳолати	80-100 % янгилаб бориш	10	
		60-70 % янгилаб бориш	5	
		камида 40 % янгилаб бориш	3	
II. Концерт-томуша муассасалари бўйича				
Жами балл:				
9.	Иштирок этган маданий тадбирлари сони	75 та ва ундан ортиқ	20	
		50 та	10	
		35 та	5	
10.	Бевосита ташкил этган концертлар сони	240 та ва ундан ортиқ	20	
		180-239 та	10	
		камида 100 та	5	
11.	Гастроллар (маҳаллий, республика ва халқаро) сони	15 та ва ундан ортиқ	10	
		9-12 та	5	
		камида 5 та	3	

12.	Халқаро ва республика миқёсидаги гастроллар сони	республикада 6 та ва ундан ортиқ, хорижий давлатларда 2 та ва ундан ортиқ гастрол	10
		республикада 3-5 та, хорижий давлатларда 1 та гастрол	5
		республикада камида 2 та гастрол	3
13.	Томошабинлар сони (белгиланган режсадан келиб чиққан ҳолда, фоиз ҳисобида тўлдирши коэффициенти, ўриндиқлар сонига нисбатан ўртacha йиллик)	70 нафар ва ундан ортиқ	10
		60-69 нафар	5
		камида 50 нафар	3
14.	Ўз даромадларининг (ҳомийлик хайрияларидан ташқари) муассасанинг умумий йиллик харажатларидаги улуши	15% ва ундан ортиқ	10
		10%	5
		камида 5%	3
15.	Ўз биноси ва техника воситаларининг мавжудлиги		10
16.	Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтининг юритилиши ҳолати	80-100 % янгилаб бориш	10
		60-70 % янгилаб бориш	5
		камида 40 % янгилаб бориш	3

Изоҳ. Мазкур мезонлар концерт-томуоша муассасалари таркибидаги мавжуд ижодий жамоаларнинг ҳар бирига нисбатан қўлланилади”.

